



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 17 » oktabr

№ 656

Toshkent sh.

### **Олий таълим ташкилотларида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Талаба-ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг шахсий-касбий ривожланишига яқиндан ёрдам бериш, талабалар билан индивидуал ишлаш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Олий таълим ташкилотларида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

тьюторлик фаолиятининг мақсад ва вазифалари;

тьюторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

тьюторлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда тьюторларга қўйиладиган малака талаблари;

тьюторлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

2. Олий таълим ташкилотларида талаба-ёшлар тарбияси билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш, уларда ватанпарварлик руҳини ошириш ва тьюторлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **икки ой муддатда:**

тьюторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш (KPI) тизимини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ҳамда амалиётга жорий этсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштира син.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 17 ” октябрдаги 656-сон қарорига  
1-илова

## **Олий таълим ташкилотларида тьюторлик фаолиятини ташkil этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом олий таълим ташкилотларида тьюторлик фаолиятини ташkil этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари нодавлат олий таълим ташкилотлари учун тавсиявий хусусиятга эга.

3. Тьюторлар олий таълим ташкилотларида талаба-ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга, уларда маънавий-ахлоқий қадриятлар ва кенг дунёқарашни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолият олиб боради.

4. Тьюторлар ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатлари, олий таълим ташкилотининг ички тартиб-қоидалари ва одоб-ахлоқ кодекси ҳамда ушбу Низом асосида ташkil этади.

5. Тьюторлар фаолиятига олий таълим ташкилотининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори (директор ўринбосари) умумий раҳбарлик қилади.

### **2-боб. Тьюторлик фаолиятининг мақсади ва асосий вазифалари**

6. Тьюторлик фаолиятининг мақсади – талаба-ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, шахсий-касбий ривожланишига яқиндан ёрдам бериш, талабаларнинг таълим-тарбия жараёнларига мослашувини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташkil қилишдан иборат.

7. Тьюторлик фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:  
талабаларнинг олий таълим ташкилоти ва таълим-тарбия жараёнларига мослашувига, ахборот-ресурслари ва бошқа манбалардан самарали фойдаланишига кўмаклашиш ҳамда шахсий-касбий қизиқишларини ривожлантиришга қаратилган яқка ва жамоавий маслаҳатлар бериб бориш, ички тартиб-қоидалар, одоб-ахлоқ кодекси ҳамда бошқа локал ҳужжатлар билан талабаларни таништириш;

талабаларни ватанпарварлик, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

талабаларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни ҳамда ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этаётган талабаларни рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш;

талабаларнинг яшаш манзиллари (талабалар турар жойи, ижара, яқин қариндоши ва хусусий хонадонлар) бўйича мунтазам мониторинг юритиш ҳамда у ердаги шароит ва талабаларнинг ижтимоий (оилавий) ҳолатидан хабардор бўлиш, уларнинг бу борадаги муаммоларини ўрганиб, уни бартараф этиш бўйича раҳбариятга тегишли таклифлар киритиш;

талабаларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда уларни фарзандининг ўқув-тарбиявий ва ижтимоий-маиший соҳалардаги фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилиб бориш.

### **3-боб. Тьюторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

8. Тьюторлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давомат ва ўзлаштиришни мониторинг қилиб бориш мақсадида ўзига бириктирилган талабаларнинг дарсларини кузатиш;

талабаларнинг талабалар турар жойига жойлашиши ва ундан чиқарилиши ҳамда яшаш шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

талабаларга тавсифнома ва академик таътил бериш масаласини ҳал этишда иштирок этиш, факультетда (олий мактабда) талабалар ҳақидаги мавжуд маълумотлардан хизмат фаолияти доирасида фойдаланиш;

талабалар билимининг баҳоланишини кузатиш.

Тьюторлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Тьюторлар меҳнат шартномасида кўрсатилган ишлар билан бир қаторда, асосий ишидан бўш вақтида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўриндошлик асосида педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин.

10. Қуйидагилар тьюторларнинг мажбуриятлари ҳисобланади:

талабаларнинг одоб-ахлоқ кодекси ва ички тартиб-қоидаларга риоя этилишини кундалик назорат қилиш;

талабаларнинг шаъни, кадр-қиммати ва обрўсини ҳурмат қилиш, улар ҳақидаги шахсий маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор қилмаслик;

талабалар ва уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни олий таълим ташкилоти низоми, ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ кодекси, талабалар турар жойидан фойдаланиш қоидалари ва таълим фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар билан таништириш;

талабалар билан боғлиқ фавқулодда муаммоли вазиятлар юзасидан зудлик билан факультет (олий мактаб) декани ва бошқа масъулларга ахборот бериш.

Тьюторлар зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

#### **4-боб. Тьюторлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш**

11. Тьюторлик асосий меҳнат фаолияти бўлиб, бунда тьюторлик учун бакалавр даражаси тўғрисидаги ҳужжат (ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар) талаб этилади.

12. Тьюторларга бакалаврият босқичининг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 1–3-курс талабалари бириктирилади ва уларнинг сони, қоида тариқасида, 120–150 нафардан иборат бўлади.

13. Тьюторлар таълим ташкилотида тегишли бўлим ва тузилмалар билан ҳамкорликда ўқув йили учун тасдиқланган иш режаси асосида фаолиятини ташкил этади.

14. Тьюторлар фаолиятига оид чораклик ҳисоботлар тегишли бўлинма томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш марказининг электрон тизимида киритиб борилади.

15. Талабаларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш учун тьюторларнинг иш куни давомийлигини олий таълим ташкилотидаги ўқув жараёни графигидан келиб чиққан ҳолда, мослашувчан иш графиги асосида белгилаш мумкин.

#### **5-боб. Тьюторларга қўйиладиган малака талаблари**

16. Тьюторлар:

таълим фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, таълим стандартлари талаблари ва мазмунини билиши;

талабалар билан ишлаш, маънавий-маърифий соҳага оид билимлар, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш малакасига эга бўлиши, соҳага оид янгиликлардан хабардор бўлиши;

ахборотни таҳлил қила олиш ва умумлаштириш, ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш, қарорлар қабул қилиш ва ўз фикрларини ёзма ҳамда оғзаки баён этиш, топшириқларни қисқа ва лўнда ифода этиш қобилиятига эга бўлиши;

талабаларнинг олий таълим ташкилотидаги фаолиятини таҳлил қила олиши, муаммоларини аниқлаши ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўллари топиш ва амалда қўллашни билиши лозим.

17. Тьюторларга нисбатан қуйидаги малака талаблари қўйилади:

олий маълумотга (бакалавр) эга бўлиш (илмий даража ва илмий унвонга эга шахсларга афзалликлар берилади);

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ таълим бериш ҳуқуқидан маҳрум этилмаган бўлиши;

маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар услубиёти ва амалиётини чуқур англаб етган, педагогик-психологик билим ва тажрибага эга бўлиш;

намунавий шахсий фазилатларга, шу жумладан, маданиятли, масъулиятли, киришувчан, ватанпарвар ва ташаббускор бўлиш;

мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш.

18. Ушбу Низомнинг 17-бандида белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мутахассислар тьюторлик лавозимига тайинланмайди.

### **6-боб. Тьюторлар фаолиятини мувофиқлаштириш**

19. Тьюторлар фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, ташкилий-методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича масъулият олий таълим ташкилотининг Ёшлар билан ишлаш, маънавий ва маърифат бўлимига юклатилади.

20. Олий таълим ташкилотининг Ёшлар билан ишлаш, маънавий ва маърифат бўлими:

тьюторларнинг ишини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

тьюторларнинг иш тажрибасини ўрганади, умумлаштиради, илғор иш тажрибаларини оммалаштиради;

тьюторлар учун талабалар билан маънавий-маърифий, касбий-ижодий фаолиятни ташкил этишнинг инновацион технологиялари, самарали шакл ва методлари бўйича семинарлар, ўқувлар ташкил этади;

хар чоракда тьюторлар фаолиятининг самарадорлиги юзасидан таҳлилий ҳисоботларини тайёрлайди, таклифларни умумлаштиради, раҳбариятга тақдим этади;

факультет (олий мактаб) декани билан ҳамкорликда юқори самарадорлик (KPI) кўрсатган тьюторларни рағбатлантириш ва малака ошириш, стажировкаларини ташкил этиш бўйича раҳбариятга таклифларни киритади.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Тьюторлар ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун шахсан жавобгардир.

22. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 17 ” октябрдаги 656-сон қарорига  
2-илова

**Олий таълим ташкилотларида талаба-ёшлар тарбияси билан ишлашнинг самарали тизimini жорий этиш, уларда ватанпарварлик руҳини ошириш ва тьюторлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Ёшлар тарбияси билан ишлашнинг самарали тизimini жорий этиш</b>					
1.	Талабаларнинг таълим ташкилоти фаолияти бўйича билдирган холис муносабатлари асосида олий таълим ташкилотидаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш.	<p>1. Олий таълим ташкилотларининг ижтимоий-маънавий муҳитини ўрганиш ва барқарорлигини таъминлаб бориш мақсадида ижтимоий сўровномалар ўтказиш.</p> <p>2. Олий таълим ташкилотларида ҳар бир курс вакилларида иборат “Курс кўмиталари” фаолиятини ташкил этиш орқали талабаларнинг муаммолари ва қизиқишларини доимий ўрганиш.</p> <p>3. Сўровномалар натижалари ҳамда талабаларнинг билдирган фикрлари асосида Муаммоларни бартараф этиш дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда Муаммоларни бартараф этиш дастури асосида амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича очиқ ҳисобот бериш.</p>	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	2025 йил ноябрь  Доимий  Режа-график асосида  Режа-график асосида	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
2.	Ахборот маконида ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш.	<p>1. Ҳар бир олий таълим ташкилотида талабалар учун махсус ижтимоий платформалар ва мобил иловаларни яратиш.</p> <p>2. Ҳар бир олий таълим ташкилотида профессор-ўқитувчи ва талабалар салоҳиятидан самарали фойдаланадиган медиалаборатория фаолиятини ташкил этиш.</p> <p>3. Ижтимоий тармоқларни доим кузатиб борадиган, ахборотларни таҳлил қиладиган, зарур ҳолларда, тегишли ахборотга тезкор муносабат билдириш кўникмасига эга малакали мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, брифинг, пресс-клуб, очик мулоқот шаклидаги тадбирларни мунтазам ташкил қилиш.</p> <p>4. Ижтимоий тармоқлардаги мавжуд контентларни саралаш, талабаларга маънавий-ахлоқий, мафкуравий, диний, сиёсий саводхонлигини оширишга хизмат қиладиган гуруҳ ва каналларни тавсия қилиш, ўз навбатида ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи гуруҳ ва каналлар бўйича талабаларни огоҳлантириб бориш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	2025 йил декабрь  2025 йил декабрь  Доимий  Доимий	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари



Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	Олий таълим ташкилотларида тарбия кластери асосида “Устоз-шогирд” анъаналарини ривожлантириш, маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими самарадорлигини ошириш.	1. Олий таълим ташкилотларида “Етакчи ва фаол талабалар мактаби”ни ташкил этиш орқали ижтимоий фаол ёшларни тайёрлаш ва уларга таълим ташкилотидаги ижтимоий-маънавий жараёнларни бошқаришга имконият бериш. 2. Олий таълим ташкилотининг илмий даражали, ёши улуғ, бой ҳаётий тажрибага эга ва ҳурматга сазовор профессор-ўқитувчиларини талабаларга бириктириш орқали “Бир зиёли – 10 талабага маънавий устоз” тизимини жорий этиш.	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	2025 йил декабрь  2025 йил декабрь	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари
4.	Талабалар ўртасида эстетик тарбияни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.	1. Олий таълим ташкилотларида адабиёт, санъат ва маданият бурчаклари ташкил этиш, санъат асарлари, миллий қадриятларни акс эттирувчи элементларни жойлаштириш орқали эстетик муҳитни яратиш. 2. Турли эстетик ривожланиш лойиҳалари, “Ижодкор талабалар ҳафталиги”, санъат асарлари кўргазмалари, ижодий клублар ва тўғарақлар ташкил қилиш.	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	2025 йил ноябрь  2025 йил декабрь	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p>3. Талабаларнинг музей, театр каби санъат ва маданият муассасаларига ташрифларини тизимли йўлга қўйиш.</p> <p>4. Олий таълим ташкилотларида муסיқа ва рақс ансамбллари фаолиятини ташкил этиш.</p>		<p>Режа асосида</p> <p>2025 йил декабрь</p>	
<b>II. Талаба ёшларни Ватанга садоқат ва унинг тараққиётига дахлдорлик руҳида тарбиялаш</b>					
5.	<p>Талаба-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юрт тарихига ва аждодлар меросига ҳурмат ҳиссини шакллантиришга қаратилган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш.</p>	<p>1. “Маърифат дарслари” доирасида мутахассислар иштирокида “Ўзбекистон Қаҳрамонлари” мавзусида ўзбек қаҳрамонлари ҳақида дарслар ташкил этиш.</p> <p>2. Талаба-ёшларнинг ҳарбий музейлар ва тарихий ёдгорликларга саёҳатларини ташкил этиш.</p> <p>3. Талаба-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Мард ўғлон”, “Посбонингмиз – Ўзбекистон”, “Мангуберди издошлари” ва бошқа шу каби тадбирларни ўтказиш.</p> <p>4. Миллий қадриятлар ва анъаналарга садоқатли қилиб тарбиялаш мақсадида “Миллий либослар”, “Юртим қадриятлари”, “Миллий ўйинлар” ва бошқа тадбирларда талабалар қамровини ошириш.</p>	<p>Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>2025/2026 ўқув йили давомида</p> <p>Режа асосида</p> <p>2026 йил давомида</p> <p>2026 йил март–июнь</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
6.	<p>Олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида ҳар йили икки босқичда “Амир Темур ворислари” ҳарбий-спорт кўрик-танловини ўтказиш.</p>	<p>1. “Амир Темур ворислари” ҳарбий-спорт кўрик-танловининг низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Олий таълим ташкилотларида ҳарбий-спорт гуруҳини ташкил этиш ва моддий-техник базани шакллантириш.</p> <p>3. Ҳар бир ҳудуддаги битта олий таълим ташкилотидида мусобақаларни ўтказишга ихтисослашган “Ҳарбий-спорт майдончалари”ни ташкил этиш.</p> <p>4. Танловнинг ҳудудий босқичларини ўтказиш.</p> <p>5. Танловнинг республика босқичини ўтказиш.</p> <p>6. Тадбирларни ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш.</p>	<p>Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, Олий таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағлари</p>	<p>2026 январь</p> <p>2026 йил март</p> <p>2026 йил апрель</p> <p>2026 йил май–июнь</p> <p>2026 йил Июнь–июль</p> <p>2026 йил май–июль</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, олий таълим ташкилотлари</p>
7.	<p>Олий таълим ташкилотларида ватанпарварлик муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришнинг</p>	<p>1. Олий таълим ташкилоти ҳудуди, ташқи ва ички бинолари, талабалар турар жойларида ватанпарварлик, миллий ғурурни тарғиб қилувчи баннерлар, тарихий қаҳрамонлар суратлари ва фикрлари ифодаланган</p>	<p>Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>2025/2026 ўқув йили давомида</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги,</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	замонавий ёндашувларини жорий этиш.	<p>тарғибот воситаларини жойлаштириш.</p> <p>2. Олий таълим ташкилоти ахборот майдонида (сайт, ижтимоий тармоқлар) миллий гурурни шакллантириш, ватанпарварликка оид руҳлантирувчи материалларни доимий жойлаштириб бориш.</p> <p>3. Ватанпарварлик ойлигини ташкил этиш, ҳарбий қисмларга талабалар ташрифларини уюштириш, ҳарбий соҳадаги фахрийлар билан учрашувларни ташкил этиш.</p>		<p>Доимий</p> <p>2026 йил январь</p>	олий таълим ташкилотлари
<b>III. Тьюторлик фаолиятини такомиллаштириш</b>					
8.	Тьюторлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш (KPI) тизимини жорий этиш.	<p>1. Тьюторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва рейтинг тизимини йўлга қўйиш.</p> <p>2. Энг юқори рейтингга эга бўлган тьюторларни рағбатлантириш ва энг паст рейтинг кўрсаткичига эга тьюторларга нисбатан жазо чораларини қўллаш механизмларини жорий этиш.</p> <p>3. Тьюторлар фаолияти бўйича таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаш</p>	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	<p>2026 йил август</p> <p>2026 йил сентябрь</p>	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		ва олий таълим ташкилоти Илмий кенгашида муҳокама қилиш.		Ҳар ўқув йили якунида	
9.	Тьюторлик фаолиятини рағбатлантириб боришнинг замонавий механизмларини жорий этиш.	<p>1. Ҳар йили турли номинацияларда “Энг яхши тьютор” танловини эълон қилиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш.</p> <p>2. Олий таълим ташкилотларида энг самарали фаолият юритган тьюторларга ойлик устамалар жорий этиш.</p> <p>3. Энг самарали фаолият юритган тьюторларни хорижий олий таълим ташкилотларида тажриба алмашиш учун юбориш.</p>	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Ҳар йили сентябрь-декабрь  Режа асосида  Белгиланган муддатларда	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари
10.	Тьюторлик институтининг бошқарув ва мониторинг тизимини такомиллаштириш.	<p>1. Тьюторларни методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тарбиянинг замонавий усуллари бўйича тажриба алмашиш, тьюторлар фаолиятини мониторинг қилиш имкониятини берувчи рақамли платформани жорий этиш.</p> <p>2. Тьюторлик (мураббийлик) институти фаолиятини илмий ёндашув асосида такомиллаштириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида “Тьютор” илмий-амалий электрон журналининг жорий қилиш.</p>	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	2026 йил март          2026 йил май	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Ҳар чорак якунлари бўйича тьюторлар фаолияти юзасидан онлайн ҳисобот тақдим қилиш тизимини жорий этиш.		Ҳар чоракда	
11.	Тьюторларни ишга қабул қилиш жараёнининг шаффоф тизимини жорий этиш.	1. Тьюторлик лавозимига бўш иш ўринларини расмий веб-сайт ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш. 2. Тьюторлик лавозимига қабул қилинган номзодларнинг натижалари ва улар қайси мезонлар асосида танлангани тўғрисидаги маълумотларни олий таълим ташкилоти расмий веб-сайти орқали эълон қилиш.	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	2025/2026 ўқув йили  Доимий	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари
12.	Тьюторларнинг касбий ва шахсий компетенциясини ошириш тизимини такомиллаштириш.	1. Тьюторлар учун компетенциявий ёндашув асосида махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва семинар-тренинглар ўтказиш. 2. Тажрибали тьюторларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш.	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Режа асосида  Доимий	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Тьюторлик фаолиятига оид инновацион педагогик, рақамли технологиялар ва психологик ёндашувлар бўйича махсус малака ошириш курсларини йўлга қўйиш.		Режа асосида	
13.	Талабалар ва тьюторлар ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш.	1. Талабалар ва тьюторлар ўртасида мунтазам учрашувлар, давра суҳбатлари ва очик мулоқот сессияларини ташкил қилиш. 2. Ҳар бир тьютор фаолият юритадиган талабалар гуруҳида аноним фикр-мулоҳаза билдириш амалиётини жорий этиш. 3. Ҳар бир олий таълим ташкилотида талабалар мурожаатларини тезкор ва самарали ҳал қилиш учун “Тьюторга мурожаат” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	Олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Ҳар чоракда  2025 йил ноябрь  2025 йил декабрь	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим ташкилотлари

